

Ўзбекистонда
доимий аҳоли сони

37,7

миллиондан ошди




Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра,
2025 йилнинг 8 апрель ҳолатига
Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси

37 708 861

кишини ташкил этган.

Шундан:

АЁЛЛАР Сони –
18 718 679
КИШИ



ЭРКАКЛАР Сони –
18 990 182
КИШИ

2025-yil
12-aprel
shanba
№46
(5110)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!
Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Мартин Чунгонг:

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НУТҚИДАН ИЛҲОМЛАНИБ ЯРАТИЛДИ

Парламентлараро
иттифоқ бош
котибининг
«YUZMA-YUZ+»
лойиҳаси учун берган
интервьюси

2-, 3-саҳифаларда ўқинг...



150 IPU ASSEMBLY
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

ЖАМОА ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИГАН ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНЯПТИ

ТАҲЛИЛ

Инсон умри ҳамisha ҳам тинч-осуда кечавермайди. Саломатлиги сабаб ёки бошига оғир ташвиш тушиб ёлғизланиб қолишдан ёмони йўқ. Ана шундай пайтда бир оғиз ширин сўз ёки кимнингдир моддий ёрдами мусибат аҳли кўнглини тоғдек кўтариб, далда бўлади.

Бир қарашда бинойидекина юрган Наманган шаҳар 20-алоқа бўлими бошлиғи Рафуқжон Ходиевнинг оғир хасталикка учраганини кўпчилик ҳамкасблари сезмай қолишди. Лекин, шукри, шундай синовли пайтда «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг Наманган филиали касба уюшмаси қўмитаси унинг жонига ора кириб, Ҳиндистонда жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиётининг ўтказилишига баҳоли қудрат ёрдам қилди.

Почтачи Ҳасанбой Жўраевнинг ҳам бошига тушган кулфат қаддини эгиб кўйди. Узоқ йиллар маблағ йиғиб-тегиб тиклаган уй-жойи бир кунда ёниб, кулга айланди. Ана шундай пайтда яна бошланғич касба уюшмаси далда бўлди. Одатда ўша вазиятдаги қувонч кўз ёшларини тасвирлашга баъзида қалам ҳам ожизлик қилади. Бундай эзгу савобли ишни, улуглар таъкидлаганидек, Каъбани зиёрат қилишга менгаш мумкин.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Наманган филиали касба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар ана шу сингари амалга оширилган эзгу ишларни алоҳида таъкидлашди.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2020 йилда жамоа шартномаси орқали моддий қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир ходимга сарфланган маблағ микдори, яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 17 миллион 134 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 32 миллион 544 минг сўмга етди.

2024 йилда 413 нафар ходимнинг барчасига навбатдаги меҳнат таътилга чиқарилганда 381 миллион 600 минг сўм моддий ёрдам берилди. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлиқларини муҳофаза қилиш бўйича 2020 йилда 950 минг сўмдан ажратилган бўлса, 2024 йилга келиб, 1 миллион 961 минг сўмлик юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилди.

Шунингдек, фидойилик билан ишлаб, ўзини кўрсатган ходимлардан 11 нафарига «Чимён», «Умид гулшани» ва «Косонсой» санаторийларига имтиёзли йўланмалар берилди. Бу вақт мобайнида жамоа аъзоларининг фарзандларидан 189 нафари соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олишди.

Конференцияда касба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли, деб баҳоланди.

– Бугун почта хизматида ўз касбига меҳр кўйган, фидойи кишилар меҳнат қилишяпти. Уларга муносиб шароит яратиш ва меҳнатларини рағбатлантириш касба уюшмасининг вазифаси ҳисобланади, – дейди тадбирда иштирок этган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти Кенгаши раиси Ҳасанбой Хожаев. – Бу йилги сайловларда аъзолар етакчидан амалга оширган ишларнинг сарҳисобини сўраяпти. Қувончлик билан ишлаган касбақўм раисининг бундай вақтда ҳамкасблари олдида юзи ёруғ. Уларнинг муносиблардан муносибига овоз берилаяпти. Қисқаси, жамоа ишончини оқлайдиган етакчилар сайланыпти.

Албатта, айтаверсак, бу каби эзгу ишларнинг адоғи йўқдай туюлади. Муҳими, ходимлар касбақўм раиси Ҳасанбой Ҳамроевнинг ўтган беш йиллик даврдаги фаолиятдан рози эканликларини яқдиллик билан таъкидлашди. Жонқуярлик, фидойилик билан қилинган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини берди. Етакчи яна ишонч билдирилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси тизимида ҳам сайловлар шафтофлик билан ўтказилмоқда.

– Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги мавжуд 52 та касба уюшма қўмитасининг 10 тасида янги раислар иш бошлади, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси Аббосхон Мамадалиев. – Ўйлайманки, бу билан касба уюшмаларига ёш, янгилик фидойилик, ташаббускор етакчилар кириб келишди.

– Шу кунгача Наманган вилоятидаги 2 минг 365 та бошланғич ташкилотдан 2 минг 166 тасида 141 минг нафарга яқин аъзолар ўзлари ишонч билдирган номзодларга овоз беришди, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти Кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими мудри Нозимжон Настинов. – Улардан 183 нафари раисликка илк бора сайланишди. Бу сарфари сайловларнинг яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши ҳам аъзоларнинг ўзлари хоҳлаган номзодга овоз беришларига қулайлик туғдирди. Муҳими, одамлар билан тиллаша оладиган, уларга яхши-ёмон кунларда елкадош бўладиган, кўпчиликнинг ташвиши билан яшайдиган етакчилар сараланиб сайланыпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ

37 037 ТА

БОШЛАНҒИЧ

КАСАБА УЮШМА

ТАШКИЛОТИДАН,

11 АПРЕЛЬ КУНГИ

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА,

34 331 тасида

(92,7 %)

МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

ЙИҒИЛИШЛАРИ

(КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ)

ЎТКАЗИЛДИ.



Ўзбекистон касба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган

12 11

қисқа рақамли «Ишонч телефони»,
яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида, олис ва чекка
қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар
ўз муаммолари бўйича исталган вақтда
мурожаат қилишлари мумкин.

www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



МАРТИН ЧУНГОНГ:

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ НУТҚИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

Парламентлараро иттифоқ бош котибининг «Yuzma-yuz+» лойиҳаси

– Хурматли Чунгонг жаноблари! Сухбатимиз аввалида Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти – «Дўстлик» ордени билан таъдирланганингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларимизни изҳор этамиз. Бу юксак эътироф Сизнинг Ўзбекистон ва Парламентлараро иттифоқ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, парламент дипломатиясини ривожлантириш, муҳим қўшма дастурларни амалга оширишдаги кўп йиллик самарали фаолиятингиз, шунингдек, мамлакатимиз халқро нуфузини оширишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларингиз натижасидир. Айтингчи, мукофотни қабул қилаётганда кўнглингиздан қандай ҳис-туйғулар кечди?

– Аввало, Сиз яратиб бераётган суҳбатлашиш имкони учун миннатдорлик билдираман. Бугун анчадан бери бутун вужудим билан ҳис этаётган, аммо дилимдан тилимга кўчмаган айрим фикрларни ифода этиш бахтига муяссар бўлиб турибман.

Мен учун Ўзбекистон – наинки жўроғий макон, балки маънавий яқинлик, самимият тилоси. Заминингиз билан боғлиқ ҳар бир мулоқот, ҳар бир ташриф, ҳар бир қадам қалбимда илқиз қолдириб келади. Бу юрт ва унинг раҳбарияти билан мулоқотларим – мен учун катта шараф. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган юксак баҳо, менга кўрсатилган дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзи сифатидаги эътибор қалбимда чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Назаримда, бу эътироф фақат шахсий хизматларим эмас, балки Парламентлараро иттифоқ ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин ҳамкорлик самарасининг ёрқин ифодасидир. Биз парламентлар орқали тинчлик, тараққиёт ва мулоқот маданиятини мустаҳкамлашдек улкан мақсадлар сари биргаликда қадам ташламоқдамиз.

2014 йилда ушбу ташкилот Бош котиби лавозимига сайланганимда, ўз олдими баърача аъзо парламентлар билан ҳолис ва тенг мулоқот ўрнатилиши мақсад қилиб қўйгандим. Парламентлараро иттифоқни дунёда тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳақ-қимматини улуғлайдиган майдонга айлантириш мен учун энг асосий вазифа, бурча айланган.

Бу мақсадларим Президент Мирзиёевнинг сиёсий қарашлари билан ҳамроҳ эканини кузатдим. У киши 2016 йилда Ўзбекистон Президентини этиб сайланган бўлса, мен икки йил аввал ҳозирги лавозимдаги фаолиятимни бошлагандим. Бир қарашда, вақт нуқтаи назаридан фарқ бор, аммо бир мақсад йўлидаги қарашларимиз ўта яқин.

Президент Мирзиёевнинг ташаббуслари, парламентаризмин ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлари, инсон манфаатларини олий қадрият сифатида эътироф этадиган халқчил сиёсати – барчаси мен учун илҳом манбаидир. Ва мен ўзим, ўз минбарим ана шу юксак йўналишларга хизмат қилаётганидан мамнунман.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон дунёда ўрناق бўладиган давлатга айланиб бораёти. Биз эса юртингизнинг ана шу имижини бутун жаҳонга етказиш учун биргаликда ҳаракат қилганимиз. Менга кўрсатилган эътибори айна шу умумий саъй-ҳаракатларимиз эътирофи, деб ҳисоблайман. Ва бу менга янги куч, янги масъуляти бахш этади.

– Тошкент қарийб бир ҳафта мобайнида глобал мулоқот майдонига айланди. Айтинг-чи, Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясида қандай илҳом олдирдингиз?

– Ҳақиқатан, жуда тўғри таъриф бердингиз. Тошкентдаги 150-Ассамблея – катта сиёсий воқеалик. Биз уни «Юбилей Ассамблеяси», деб атадик. Чунки у нафақат ривожланиш марраси, балки янги босқичга ўтиш рамзи ҳамдир. Эътибор беринг: Парламентлараро иттифоқ тарихида 149 та мажлис бўлиб ўтган бўлса-да, бу – Марказий Осиёда илк бор ўтган Ассамблея.

«Нега айна Тошкентда ўтказилди?», деган саволингизга эса менинг жавобим аниқ. Президентингизнинг парламентаризмга бўлган садоқати, давлат раҳбариятининг замонавий, очик ва инклюзив сиёсат юритиши бу танловни амалга оширишимизга туртки бўлди.

Ўзбекистон парламентининг фаолияти, унинг янгиланиш жараёнлари, халқ билан мулоқотга интилиши – барчаси халқро ҳамжамиятда юқори баҳоланмоқда. Биз буни Ўзбекистон

парламенти фаолиятини таҳлил қилганимизда ҳам кўрдик. Бу борада Ўзбекистон парламентлари вакиллари, мутасаддиларининг ҳам катта меҳнати намоян бўлганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Демак, юртингизда кечаётган давомли демократик жараёнлар бизнинг глобал парламент ҳамжамиятини Ўзбекистонга олиб келишимизга асосий омил бўлди.

Иккинчи сабаб мамлакатингизда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлардир. Ўзбекистонда кўрсатишга, кўришга, ўрганишга, намуна олишга аризулик ижобий ишлар жуда кўп. Биз учун бутун дунё ҳамжамиятини шу ерга олиб келиш муҳим эди – чунки бир томондан, улар Ўзбекистонни кашф қилсин, тажриба алмашиш имконига эга бўлсин, бошқа томондан эса, Ўзбекистон ҳам глобал тажрибаларни ўрганиш имконига эга бўлсин.

Бу тадбир шундай бир оғир, синовли пайтда ўтаётгани, ҳозирги дунёда тинчликпарвар овозлар, ташаббуслар ниҳоятда зарур. Биз Президент Мирзиёевни, халқингиз йўлбошчисини айна шундай тинчликсевар ташаббуслари, ғояларни илгари сураётган лидер сифатида биллашимиз.

Бугун, ушбу тарихий анжуман ўз ишчи муваффақият билан якунлаган бир паллада, бу фикрларимиз нақадар тўғри эканига яна бир бор амин бўлиб туришимиз. Парламентлараро иттифоқнинг юбилей Ассамблеясини Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилганимиз нечоғлиқ асосли ва оқилона қарор бўлганини барча бирдек эътироф этмоқда. Биз ушбу саммит орқали нафақат Ўзбекистонни дунёга янги рақурсда таништирдик, балки дунё ҳамжамиятини ҳам юртингизга олиб келдик. Бу икки томонлама фойдали жараён бўлди.

Тинчликка интилиш, муаммоларни мулоқот орқали ҳал қилиш маданияти, давлат сиёсатининг фуқаролар фаровонлиги учун сафарбар қилиниши – буларнинг барчаси Президент Мирзиёевнинг анжуманда сўзлаган нутқидан ҳам яққол сезилиб турди. У киши нафақат мамлакат, балки минтақавий ва жаҳон тинчлиги учун ҳаракат қилаётган етакчи сифатида намоян бўлди.

Бу Ассамблея, шубҳасиз, бугунги кўннинг сиёсий тарихида ўчмас из қолдиради. Ва у – Ўзбекистоннинг халқро парламент дипломатиясида тугган ўрнини янги босқичга олиб чиқади, десак, асло муволажа бўлмайдик.

– Дарҳақиқат, Ассамблеянинг Тошкентда ўтказилишида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари муҳим аҳамият касб этганини тўғри эътироф этдингиз. Президентимизнинг Ассамблея минбаридан туриб сўзлаган нутқидан акс этган ташаббуслар ва ғоялар ҳақида фикрларингизни ҳам билмоқчи эдик.

– Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари Парламентлараро иттифоқнинг асосий тамойиллари билан уйғун эканини ҳамisha таъкидлаб келаман. Мамлакатингизда рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб бораман. Ижти-



мой тармоқларни диққат билан ўқийман, телевидение орқали воқеаларни кузатаман, бу юрт тараққиётини мунтазам таҳлил қиламан.

7 апрель куни Ассамблея ялпи мажлисида Президент Шавкат Мирзиёев сўзлаган нутқ эса, бу инсон, унинг сиёсати ва фаолияти ҳақида илгари билганларимизни яна бир бор тасдиқлади. У киши ўзининг стратегик мақсадлари ва қарашлари Парламентлараро иттифоқнинг мақсад ҳамда тамойиллари билан уйғун эканини аниқ айтди.

Ассамблея ялпи мажлисидаги нутқ – фақат риторик чиқиш эмасди. Бу, айни пайтда, дунёдаги энг долзарб муаммолар юзасидан юксак бурчи ҳис этиш, тинчликка даъват ва парламент дипломатиясини амалиётга жорий қилишга қаратилган чақирик эди.

Президентнинг Ҳазо, Украина, Афғонистон каби можароли ҳудудлар бўйича билдирган фикрлари, мулоқот ва келишуви энг катта қадрият сифатида кўрсатган баёнотлари Парламентлараро иттифоқ руҳи билан ҳамроҳанг.

Шавкат Мирзиёев мулоқотнинг, очик фикр

алмашувнинг, ҳамкорлик асосида муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг кадр-қиммати ва муҳимлигини таъкидлади.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида яқинда имзоланган уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома билан табрикламоқчиман. Мен ушбу тарихий аҳамиятга эга ташаббус айна Президент Мирзиёевга тегишли эканини жуда яхши биламан. Бу эса унинг нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки дунё миқёсида тинчликни тарғиб этишга қодир етакчи эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Бошқа муҳим жиҳат – ижтимоий адолат ва қашшоқликни камайтириш масаласи. Президентингиз ўз нутқидан «Камбағалликдан фаровонлик сари» деган фикрни илгари сурди. Шахсан мен буни илҳомлантирувчи, замонавий давлат бошқарувининг гуманистик қиёфасини намоян этувчи даъват сифатида қабул қилдим. Энг муҳими, у киши «яшил ривожланиш» ҳақида тўхтади. Бу нафақат иқтисодий, балки экологик

масъулиятни ҳам назарда тутди. Бундай ёрқин фикрлар XXI аср парламентаризми қандай бўлиши кераклигини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

– Сиз бу каби саммитларда кўп бор иштирок этгансиз. Тошкентда бўлиб ўтган Ассамблеянинг ўзига хос жиҳатлари, глобал дунё ва парламентаризм учун аҳамиятини нималарда кўрасиз?

– Тошкентда бўлиб ўтган 150-Ассамблея – шунчаки оддий йиғилиш эмас. Бу – инсон тафаккури, давлатлар муносабати, жаҳон дипломатиясини янгилашга қаратилган тарихий воқеалик.

Биринчидан, бу саммит орқали биз глобал парламент ҳамжамиятини Ўзбекистонга олиб келдик. Давлатингиз анъаналар ва янгиланиш ўртасида мувозанатни топган мамлакат сифатида бошқаларга ўрناق бўладиган кўплаб



Оламда БУГУН



Яшин 25 дан ортиқ инсон умрига зомин бўлди

Ҳиндистоннинг Бихар штатида қаққан яшинлар оқибатида 25 дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

Энг оғир ҳолат Наланда туманида кузатилди. У ерда 18 киши ҳалок бўлган. Маҳаллий Rashtriya Janata Dal партияси вакили Тежашви Ядавнинг маълум қилишича, пайшанба куни бутун штат бўйлаб ноқулай об-ҳаво сабаб ҳалок бўлганлар сони 50 нафардан ошиб кетган.

Ҳокимият аҳолини эҳтиёт бўлишга, момақалдируқлар пайтида имкон қадар уйдан чиқмасликка чақирмоқда. Худудда об-ҳаво шароитлари янада ёмонлашиши кутилмоқда.



Кўплаб тинч аҳоли жабр кўрди

Шилаларнинг «Ансоруллох» ҳаракати (хусийлар) АҚШ қўшинлари Яманда уларнинг позицияларига қилган оммавий зарбалар натижасида фуқаролик инфратузилмасига жиддий зиён етгани ва 320 нафар тинч аҳоли жабрлангани маълум қилди.

«Қурбонлар асосан аёллар ва болалар. Ҳукумат бинолари, тураржойлар ва хусусий иморатлар вайрон қилинди. Шунга қарамай, ҳарбий салоҳиятимиз сақланиб қолмоқда, ҳатто мустаҳкамланмоқда», деган хусийлар вакили.

Авалроқ хусийлар Қизил денгизда бир қатор ҳарбий кемаларга, жумладан, АҚШнинг Harry S. Truman авиаташувчисига хизмат кўрсатувчи кемага ҳам ҳужумлар уюштирган эди. Вашингтон эса бу ҳужумларга жавобан зарбаларни давом эт-

тирмоқда. Расмий маълумотларга кўра, операциялардан кузланган мақсад халқро денгиз йўлларини ҳимоя қилиш ва Эрон таъсирини камайтиришдир.



Олти давлат Украинага қўшин юборишга тайёр

«Кўнгиллилар коалицияси» деб ном олган 30 та давлат орасида фақат олти давлат расман Украинага ҳарбий қўшин юборишга тайёр эканини маълум қилган. Бу ҳақда AFP агентлиги европалик амалдорларга таяниб хабар берди.

Қўшин жўнатиш ниятини билдирган давлатлар қаторида Буюк Британия, Франция, Латвия, Литва, Эстония ва Польша тилга олинган. Бироқ бу давлатлардан ҳеч бири ҳозирча қўшинлар сони, жўнатиш муддати ва операцияда иштирок этиш шартлари ҳақида аниқ режа тақдим этмаган. AFP маълумотига кўра, асосий муаммолар-

дан бири АҚШ позициясидир. У ҳануз мавҳум. Айниқса, муаммони тинч йўл билан ҳал этиш истикболлари кўзга ташланиб турган бир паллада. Айрим давлатлар АҚШ билан мувофиқлаштирмасдан туриб қилинган кескин ҳаракатлар стратегик хатоларга йўл очишдан хавотирда.

Кобул БМТ ҳисоботини рад этди

Афғонистон Покликни рағбатлантириш ва ахлоқсизликнинг олдини олиш вазирлиги БМТнинг Афғонистонга кўмаклашиш миссияси (UNAMA) томонидан эълон қилинган ҳисобот хулосаларини «ҳақиқатдан йироқ» ва «миш-мишларга асосланган» дея атади. Бу ҳақда вазирлик матбуот котиби Саиф уль-Ислом Хайбар маълум қилди.

онлаб афғонлар учун асосий хизматлар ва ёрдам олиш имкониятини чеклаётгани қайд этилади.

«Айрим ташкилотлар далилларни қасдан нотўғри талқин қилиб, БМТ исломий тизимни айбламмоқда. Бу ташвиқотдан бошқа нарса эмас», деган Хайбар ва толиблар талқинига кўра, қонуни жамиятнинг «ахлоқий соғломлашуви»га хизмат қилаётганини таъкидлаган.

Куни кеча эълон қилинган UNAMA ҳисоботи толиблар режими даврида жорий этилган ахлоқ қонуни ижросини танқид қилиб, унинг мамлакатдаги иқтисодий ва гуманитар вазиятга салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Жумладан, қонунинг қаттиққўллик билан қўлланилиши халқро ва маҳаллий инсонларпар ташкилотлар, хусусан, БМТ агентликлари фаолиятини қийинлаштираётгани ва милли-

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЯРАТИЛДИ



IPU ASSEMBLY

Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025



учун берган интервьюси

лойихаларни амалга оширмоқда. Иккинчидан, саммит пайтида 140 та парламент делегацияси давлатингиздаги иш-хототларни ўз кўзи билан кўриши имконига эга бўлди. Улар Ўзбекистон парламенти Президент Мирзиёев бошчилигида қандай мустақамланаётганига, парламентнинг фаолияти ва таъсир доираси кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлишди.

Булларнинг барчаси сўздагина чин акс этаётган жараёнлар эмас. Амалда ўз ваколатларининг бир қисмини парламентга топширган давлат раҳбари камдан-кам топилади. Буни демократик қадриятларга садоқат рамзи, деб билан.

Айниқса, аёллар ва ёшлар вакилигининг ўсиши – парламентнинг инклюзивлигини, жамият манфаатларини тўлиқ ифода этаётганини курсатади. Бизнинг ташкилот учун энг аҳамиятли йўналишлар айнан шу – тенглик, инклюзивлик ва фуқаро манфаатларини ифода этиш. Шунингдек, Парламентингиз тобора ёшармоқда. Мен Президент Мирзиёев билан илк бор 2021 йили учрашганман. Уша пайтда биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаш кампаниясини эндигина бошлаган эдик. Ва мен у кишидан: «Жаноб Президент, илтимос, Парламентларо иттифоқнинг ушбу кампаниясини қўллаб-қувватланг, унга ҳисса қўшинг», деб сўрагандим. У киши эса дарҳол «Хўп» деб жавоб берган эди. Бугун ана шу шарафнинг натижаси парламентингиз тарихида ёшлар ҳам кўпчилигида яққол кўзга ташланмоқда.

Шавкат Мирзиёев нутқидан илҳомланиб яратилган десам, асло муболаға бўлмайди. Биз бу ҳужжат парламентаризм фазилатларини жуда аниқ ифодалаган, деб ҳисоблаймиз. Унда парламентлар глобал саҳнадаги мавқеини мустақамлаштириш, мураккаб муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнаши кераклиги яққол акс этган.

Шунинг учун биз ушбу Ассамблея иштирокчиларига бундай муҳим ҳужжатни қабул қилганликларини учун чўқур миннатдорчилик билдирамиз. Декларацияда қайд этилган ғоялар инсоният келажағига хизмат қилади. Унинг Тошкентда яратилиши – жаҳон парламенти ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига муносиб тўхфа бўлди.

– Ўзбекистон 2017 йилдан Парламентларо иттифоқ фаолиятида иштирокини қайта тиклади ва қисқа вақт ичиде унинг фаол ҳамда ҳурматга сазовор аъзосига айланди. Сизнингча, Ўзбекистоннинг парламентларо мулоқотни ривожлантиришдаги ҳиссаси қандай? Қайси йўналишлар кейинги ҳамкорлик учун пайдвор яратилган мумкин? Тошкентни глобал парламент ташаббуслари учун доимий майдончага айлантириш мумкинми?

– Очик тан олиб айтишим керак: Тошкентда бўлиб ўтган юбилей Ассамблеяси Парламентларо иттифоқ тарихидаги энг муваффақиятли анжуманлардан бирига айланди. Қўлимда ушбу 150-Ассамблея муносабати билан нашр этилган китоб турибди. Мен шунчаки унинг сарлавҳасини ўқиб бермоқчиман. У Ўзбекистон қайси нуктада турганини тушунишга ёрдам беради: «Парламент йўллари: Парламентларо иттифоқдаги овозлар солнома, 2020–2023».

Бу ерда икки жиҳат бор. Биринчидан, бугунги глобал жараёнларда халқлар овози эшитилиши учун, энг аввало, парламентлар ва парламент аъзолари халқро майдонда ўз овозларига эга бўлишлари керак. Бу Парламентларо иттифоқ томонидан парламентлар ва парламент аъзолари БМТ, Жаҳон савдо ташкилоти ёки бошқа глобал бошқарув институтлари каби халқро жараёнларда иштирок этишга қўллаб-қувватлаш амалга оширилганидан парламентларо ҳамкорлигининг бир жиҳатидир.

Иккинчи жиҳат эса парламент дипломатиясига тааллуқли. Чунки парламентлар – халқни ифодалайди, улар қаерда оғриқ борлигини яхши билади.

Икки давлат уруш ҳолатида бўлса, оддий фуқаролар энг кўп азият чекади. Парламентлар ана шу фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутadi. Шу боис дунё бўйлаб турли мамлакатлар парламентларига ўзаро мулоқот учун кўприк қуриши имконини бериш ниятида биз парламент дипломатиясини илгари суришга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Утган йили илк бор икки давлат ўртасидаги тинчлик жараёнига ҳисса қўшиш, ўзаро муно-

сабатларни тиклаш жараёни тезлаштириш учун Арманистон ва Озарбайжон парламентлари спикерларини бир жойга йиғдик. Бу тарихий воқеа эди. Бу, айни пайтда, 1889 йилда Парламентларо иттифоқ ташкил этилганида, таъсисчиларимиз Фредерик Пасси ва Рендольф Креймер таъкидлаган ғояга мос келади: урушга кириш керак эмас, шунчаки стол атрофида утириб, фарқлар ҳақида баҳслашиш ва умумий ечим топиш лозим.

Айнан шу ғоя икки Корея билан олиб бораётган ишларимизга ҳам асос бўляпти. Сўнгги бир неча йил ичиде биз Корея яриморлидаги икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни тиклашга ҳаракат қилиб келяпмиз. Тошкент Ассамблеяси давомида ҳам биз улар билан музокаралар олиб бордик. Шимолий Корея парламенти беш йиллик танлафусдан сўнг Парламентларо иттифоқга қайта қўшилди.

Ҳин Шарқ масалаларини ҳам тилга олиб ўтмоқчиман. Парламентларо иттифоқ доирасида бу каби муаммолар, жумладан, Ҳазодаги воқеалар таҳлили билан шуғулланидиган махсус қўлмат фаолият қўрсатяпти. Шунингдек, Украинадаги можарони тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган махсус ишчи гуруҳимиз ҳам бор.

Қайси жойда можаро бўлса, қаерда кескинлик бўлса, биз парламентларни ўша ерга боришга, дипломатия, парламент дипломатиясини тарғиб этишга ундаб келяпмиз. Бу, менимча, жуда ажойиб ғоя. Мен шахсан шундай ташаббусларда иштирок этганим учун бу жараённи бағоят қадрлайман.

Масалан, Россия ва Украина ўртасида халқро даражада ҳам, бошқа жиҳатдан ҳам алоқа жуда кам. Лекин Парламентларо иттифоқ доирасида улар ҳамон мулоқотда, чунки улар парламент дипломатиясининг аҳамиятини шиношладик. Бу биз учун жуда муҳим. Биз Тошкентга айнан шунинг учун келдик. Бир ҳафта давомида мамлакатингиз парламент дипломатиясининг пойтахтига айланди.

Сизлар барча давлатлар бир жойга йиғилиб, ўзаро мулоқот қилиши, турли фикрларга умумий ечим топиши учун имкон яратдингиз. Биз бундан ниҳоятда мамнунмиз.

– Тошкентдаги форумнинг ташкилий даражасини қандай баҳолайсиз? Ўзбекистон Парламентларо иттифоқ раҳбарияти таъкидлаб келётган очик ва мазмунли мулоқот муҳитини яратишга эришди, деб айта оласизми?

– Сизга бир «сирини» очаман. Мен Президентингизга ҳазил қилиб, шундай дедим: «Жаноб Президент, сиз билан бир йилдан буён тун-кун тинимсиз ишладик. Мен ҳам ўзини ўзбекистонлик, Ўзбекистон парламенти вакилидек ҳис қила бошладим», дедим. У киши «Бунинг учун сизга алоҳида ташаккур айтаман», дедилар. Аммо жиддий айтадиган бўлсам, бунинг замирида катта меҳнат, самимий мулоқот ва ўзгаришга бўлган умумий иштиёқ ётибди.

Тошкентда бўлиб ўтадиган Ассамблеяда бу даражада катта иштирок бўлишига бошида унча

ишонқирамаган эдик. Лекин натижа қутилганидан-да аъло бўлди. Кузатувчилар ва ассоциацияланган аъзоларни ҳисобга олганда, 140 та миллий парламент делегацияси иштирок этди.

Бу жуда катта муваффақият. Фақат шу эмас – бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳам жуда муҳим. Ўзбек халқи ва унинг раҳбарияти ушбу анжуман муваффақиятини утиши учун барча шарт-шароитларни яратди. Конференция зали, транспорт, бошқа логистика масалалари жуда юқори даражада ташкил этилди. Лекин рақамлар ортда бизни ҳайратга солган ва илҳомлантирган жиҳат – бу ердаги самимийлик, очиклик ва муҳокамаларнинг маънавий мазмунидир.

150-Ассамблея давомида қабул қилинган Тошкент Декларацияси, шунингдек, Фаластин – Исроил муаммосига бағишланган резолюция глобал парламентлар тинчлик ва адолат тарафдори эканини яна бир бор исботлади.

Икки давлат ўртасидаги низо ечимини борасидаги тинчликпарвар қарашларимиз айнан Тошкентда расман тасдиқланди. Ассамблея давомида 70 дан ортиқ ёндош тadbирлар бўлиб ўтди. Энг муҳими, ҳар бир делегат ўзини қизиқтирган мавзуда иштирок этиш, фикр билдириш имконига эга бўлди. Биз, масалан, парламентларнинг метан гази чиқиндиларини камайтиришдаги роли ҳақида ҳам муҳокамалар ўтказдик. Zero, бу масала ҳам парламентларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга қаратилган вазифалардан биридир.

Ассамблея доирасида қатор тарихий саналарни, хусусан, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасининг 30 йиллигини нишонладик. Бу ҳужжат гендер тенглигини илгари суриш учун асосий дастур ҳисобланади. Шунингдек, Парламентларо иттифоқ доирасида аёллар ҳаракатининг 40 йиллиги ҳам нишонланди. Мамлакатингиз раҳбарияти бу жараёнда фаол иштирокчига айланди.

Биз ёшларнинг парламентда иштирок этиши бўйича кампанияни айнан шу ерда – Тошкентда бошлаганмиз. Ва мен Президент Мирзиёевдан бу ташаббусни қўллаб-қувватлагани учун ғоят миннатдорман. У ушбу кампанияни қўллаб-қувватлаган биринчи давлат раҳбари бўлди.

Булларнинг барчаси Тошкентда бўлиб ўтди. Шунинг учун гўёки ҳар сафар биз янги кампания бошласак, Ўзбекистонга келишимиз керак, чунки бу ерда бизда мустақам пайдвор бор. Ишонч билан айта оламани, энди бу шаҳар парламент дипломатиясининг юраги сифатида тилга олинади.

– Сиз интервьюларингиздан бирида мамлакатимизда амалга оширилаётган камбағалликдан чиқариш дастурийнинг аҳамиятига юксак баҳо бергансиз. Парламентларо иттифоқнинг инсон салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қадриятлари ҳақда мулоқотда яна қандай ташаббусларни эътироф этган бўлардингиз?

– Президент Мирзиёев илгари сураётган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури – жонли сиёсат намунаси. Бу статистик қўрсаткичлар ёки стратегик режалар эмас, балки фуқаро ҳаётининг юрагига қаратилган амалий ҳаракатлар тизимидир. Бундай сиёсий ирода ва парламентга берилган қўшимча ваколатлар мамлакатда янги ижтимоий ёндашув лоқомоти-вига айланган. Бугунги Парламентингиз фақат қонун чиқарадиган эмас, балки одамлар дардини тинглайдиган, уларни ҳимоя қиладиган минбарга ҳам айланяпти. Парламентларо иттифоқ бу каби ташаббусларни оқшилайди ва барча аъзо мамлакатларга ҳам шундай ҳаракатларни тавсия қилади.

Ҳа, бу анжуман – фақат учрашувлар эмас, балки ўзаро тажриба, фикр-мулоҳаза алмашиш майдонига айланди. Ваъда берамани, Тошкент декларацияси қоғозларда қолиб кетмайди. Биз уни БМТга етказамиз ва бошқа халқро ташкилотлар орқали парламентлар фаолиятига жорий этамиз.

– Кеча яқунловчи сессиядаги маърузанинг «Ташкилотимиз ўз таърибасини янада орттириб боради, 77 та турли учрашувлар орқали глобал кун тартибига ҳисса қўшидик, дея айта оламиз», деб алоҳида таъкидладингиз. Тошкентда бўлиб ўтган Ассамблея ҳақида хулосаларингиз билан ўр-тоқлашсангиз.

– Ассамблеянинг энг муҳим ютуғи – жаҳон парламентлари ўртасидаги интеллектуал ва маънавий яқинлашув бўлди. 77 та учрашув, ўнлаб резолюциялар ва аниқ дастурлар орқали биз глобал кун тартибига реал таъсир қўрсатдик.

Биз бу ерда гендер тенглиги, тинчлик, иқлим ўзгариши, саломатлик, терроризмга қарши кураш, экстремизмни илдизидеқ бартарф этиш ҳақида гапирдик. Ундан ҳам муҳими, бу мавзунлар юзасидан бир-биримизни тингладик, баҳслашдик, ягона тўхтамаг келдик ёки келиша олмасак ҳам, бир-биримизга ҳурмат билан қарашни ўргандик. Бу парламент дипломатиясининг энг гўзал жиҳатидир.

Сунъий интелект масаласи, янги технологиялардан фойдаланиш, Президент Мирзиёев таъкидлаганидек, замонавий жамиятнинг ахлоқий мувозанатини сақлаш учун масъулият талаб қилади. Бу бу фикрни ҳам қабул қилдик, ҳам ўргандик, ҳам тарқатдик.

Ҳа, биз реалист бўлишимиз керак: ҳар бир масала юзасидан умумий келишувга эришиш – имконсиз. Аммо, энг муҳими, фикримиз турлича бўлса-да, бир мақсад сари интилишимиздир.

Шахсан мен учун бу анжуман профессионал ҳаётимдаги энг илҳомлантирувчи паллардан бири бўлди. Тошкент қўллаб-қувватлаган парламент мулоқотининг энг самарали босқичи сифатида муҳрланади.

Хусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди

Алиев Евроиттифоқни айблади

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Европа Иттифоқи ҳаракатларини танқид қилиб, Брюсселни Боку ва Ереван ўртасидаги музокара жараёнига аралашишда айблади. Бу давлат раҳбарининг расмий веб-сайтида чоп этилган маълумотда қайд этилган.

«Биз фақат чегараларни очиб ҳақидаги қаҳриқларни эшитяпмиз. Лекин бу Европанинг иши эмас. Европа Иттифоқи бу жараёнлардан қанча узоқ бўлса, ҳамма учун шунча яхши», деган Озарбайжон раҳбари.

У, шунингдек, Европа Комиссияси Арманистонни бир томонлама қўллаб-қувватлаётгани, Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги транзит йўлақларида Озарбайжон ва Гуржистоннинг муҳим роли эътибордан четда қолдирилаётганидан норози бўлган.

«Гуржистонни муҳокамалардан бутунлай четлаштиришган гўё. Бу адолатсиз ва қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат», дея қўшимча қилган Илҳом Алиев.



АҚШ Президенти Дональд Трамп Хитойга нисбатан тариф босимини кескин кучайтирди. CNBC телеканалининг Оқ уйга таяниб хабар беришича, 10 апрелдан бошлаб Хитойдан келтириладиган импорт товарларига қўйиладиган бож ставкаси амалда 145 фоизга етказилган.

АҚШ Хитой товарларига бож тўловини 145 фоизгача оширди

АҚШ Вице-президенти Жей Ди Вэнсинг сўзларига қўра, Трамп маъмуриятининг мақсади тўқнашув эмас, балки «одил савдо ва иқтисодий мустақиллик»ни таъминлашдир.

Пекин Вашингтон ҳаракатларига жавобан кескин баёнот берди. Хитой Ташқи ишлар вазирлиги вакили Линь Цзянь таъкидлашчи, савдо урушларида ғолиблар бўлмайди.

Уз навбатига, Хитой ҳам 12 апрелдан АҚШ маҳсулотларига бож ставкаларини 84 дан 125 фоизга оширишини маълум қилган.



Европа раҳбарияти Си Цзиньпин билан учрашмоқчи

Европа комиссияси раиси Урсула фон дер Ляйен ва Европа кенгаши раиси Антонио Кошта июль ойи охирида Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин билан шахсан учрашиш мақсадида Пекинга ташриф буюришни режалаштирмоқда.

Агар ташриф амалга ошса, бу Европанинг Хитой билан юқори даражадаги кетма-кет иккинчи учрашуви бўлади ва яна Пекинда бўлиб ўтади. Холбуки, одатда бундай саммитлар навбатма-навбат Пекин ва

Брюсселда ташкил этилиши керак. Охириги ойларида Европа Иттифоқи Хитой томонини саммитни Брюсселда ўтказишга кўндиришга уринди, бироқ рад жавобини олди. Си Цзиньпин 2025 йилда хорижий сафарларни

режалаштирмаган, фақат Москвага Галабининг 80 йиллигини нишонлаш учун боради.

Манбаларга қўра, бу ташриф Европа Иттифоқнинг стратегик мулоқот каналларини очик сақлаб қолиш учун навбатдаги уриниши бўлади. Айниқса, бу Европа саноатининг Хитой экспортига тобора кучайиб бораётган боғлиқлиги, шунингдек, Пекиннинг Украинадаги уруш ва Россия билан муносабатлари оид позицияси фонида долзарб аҳамиятга эга.



Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

